

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.Т.66.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

ҚОСИМОВ АХТАМ АКРАМОВИЧ

**КЎП ҚАТЛАМЛИ МУРАККАБ ТЎҚИМАЛАРНИНГ ШАКЛЛАНИШ
ЖАРАЁНИНИ МАТЕМАТИК МОДЕЛЛАШТИРИШ**

**05.06.02 – Тўқимачилик материаллари технологияси
ва хомашёга дастлабки ишлов бериш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Наманган – 2021

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора
философии (PhD) по техническом наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy
(PhD) on technical sciences**

Қосимов Ахтам Акрамович

Қўп қатламли мураккаб тўқималарнинг шаклланиш жараёнини
математик моделлаштириш

5

Қосимов Ахтам Акрамович

Математическое моделирование процесса формирования
комплексной многослойной ткани.

25

Kosimov Ahtam Akramovich

Mathematical modeling of the process of formation of multi-layer
complex fabric

47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works

60

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.Т.66.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

ҚОСИМОВ АХТАМ АКРАМОВИЧ

**КЎП ҚАТЛАМЛИ МУРАККАБ ТЎҚИМАЛАРНИНГ ШАКЛЛАНИШ
ЖАРАЁНИНИ МАТЕМАТИК МОДЕЛЛАШТИРИШ**

**05.06.02 – Тўқимачилик материаллари технологияси
ва хомашёга дастлабки ишлов бериш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Наманган – 2021

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.PhD/T1172 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Наманган муҳандислик-технология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Наманган муҳандислик-технология институти ҳузуридаги Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.nammti.uz) ва "Ziynet" ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: Абдуллаев Улугбек Туланбоевич
техника фанлари номзоди, доцент

Расмий оппонентлар: Маматов Алишер Зунунович
Техника фанлари доктори, профессор

Эркинов Зокир Эркинбой ўгли
Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Етакчи ташилот: Ўзбекистон табиий тоғлар илмий тадқиқот институти

Диссертация ҳимояси Наманган муҳандислик-технология институти ҳузуридаги илмий аражалар берувчи PhD.03/30.12.2020.T.66.01 рақамли илмий кенгашнинг 2022 йил «08» январь соат 9⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100116, Наманган ш., Косонсой кўчаси, №7-уй, тел: (+99869) 228-76-65, 22876-68, факс: 228-76-6; e-mail: niet_info@edu.uz, Наманган муҳандислик-технология институти 1-бини, 1-кават, 3-хона).

Диссертация билан Наманган муҳандислик-технология институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (434-рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100116, Наманган ш., Косонсой кўчаси, №7-уй, тел: (+99869) 228-76-65, 22876-68.

Диссертация автореферати 2021 йил «27» декабрь куни тарқатилди. (2021 йил «27» декабрдаги № 57-рақамли реестр баённомаси).


Р.М.Мурадов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, техника фанлари доктори, профессор

Х.Т.Бобожанов
Илмий даражалар берувчи кенгаш илмий котиби, техника фанлари доктори

Қ.М.Холиқов
Илмий даражалар берувчи кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, техника фанлари доктори

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тўқимачилик саноатида сочиқ ишлаб чиқариш бўйича Германия, Хитой, Ҳиндистон, Корея Республикаси, АҚШ, Туркия, Ўзбекистон каби давлатлар етакчи мамлакатлардан ҳисобланади. Энг йирик тўқимачилик бозорлари: Италия, Нидерландия, Испания ва Буюк Британия давлатларида тўқимачилик маҳсулотларининг импорт ҳажми 72 фоизга тенг бўлиб, бу қиймат йилига 5,8 фоизга ўсиб бормоқда ва трикотаж маҳсулотлари минтақадаги энг йирик маҳсулот сегменти бўлиб қолмоқда¹, шундан келиб чиқиб тўқимачилик саноатида тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, тўқув маҳсулотларининг янги ассортиментларини олиш технологияларини ишлаб чиқишни ва уни амалиётга жорий этишни тақозо этади. Шу жиҳатдан тўқув машиналарининг технологик имкониятларини тўлиқ ўрганиш, тўқувчилик ишлаб чиқариш корхоналарига янги технологияларни жорий этиш, хомашёлардан самарали фойдаланиш, жаҳон бозорида сифатли ва рақобатбардош тайёр сочиқ маҳсулотлар ассортиментини ишлаб чиқариш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Жаҳонда тўқимачилик саноатини ривожлантиришда сифатли тукли тўқима матолар тайёрлашнинг замонавий, автоматлашган, юқори унумдорликка эга бўлган техника ва технологияларини такомиллаштириш, истеъмол бозоридаги талаб ва тақлиф асосида маҳсулотнинг янги турларини яратиш ва ассортиментини ўзгартиришга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада сочиқбоп матоларнинг керакли хусусиятини таъминлаб берувчи таркиблари, уларни ишлаб чиқариш усул ва воситаларини ривожлантириш, янги, ихчам ва ресурстежамкор технологияларни яратиш ва тўқимачилик маҳсулотларнинг истеъмол хусусиятларини янада ошириш, мустаҳкамлиги юқори бўлган маҳсулотларни тайёрлаш технологияларини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда янги турдаги кўп қатламли мураккаб тўқималарни ишлаб чиқаришни ташкил этиш, ривожлантириш, маҳаллий хомашёдан фойдаланишни кенгайтириш, шунингдек маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг экспорт салоҳиятини оширишга қаратилган кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан, «...юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини, энг аввало, маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни жадал ривожлантириш...»² бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Ушбу вазифани амалга оширишда, жумладан, янги турдаги, керакли технологик ва конструкцион параметрларга эга бўлган, юқори сифатли ва паст таннархдаги тайёр сочиқ маҳсулотларини ишлаб

¹ <https://marketpublishers.ru/lists/11947/news.html/>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони

чиқариш техник ва технологик жиҳатдан модернизациялашган машиналарни яратиш муҳим ўрин тутди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2017 йил 14 декабрдаги ПФ-5285-сон «Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2019 йил 12 февралдаги ПҚ-4186-сон «Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва унинг экспорт салоҳиятини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши-нинг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. «Энергетика, энергия ва энергия-тежамкорлик» устувор йўналишига доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Тўқимачилик маҳсулотларини янги турларини яратиш, уларни бадий безаш, безагига объектив баҳо бериш усуллари яратиш, кўп қатламли тўқима хоссаларини белгиловчи асосий омиллар, мураккаб тўқималар ўрилиши асосида газламаларни лойиҳалаш ва тадқиқ этиш билан ҳорижда Мелюшкин К. В. (Россия), I.W.Frontczak (Польша), Snycerski M. (Польша), Cary R.T (АҚШ), Aloba Koksai V. (Туркия), Ломов С. В. (Россия), Vozgayik K. (Туркия), Карташова Е. Н. (Россия), Sungshing, K. (Хитой), Fredrych I. (Польша), Hyung. L. M. (Хитой), Matusaik M (Япония) каби олимлар шуғулланишган. Тукли тўқима матоларини ишлаб чиқариш жараёнига оид илмий тадқиқотлар, тукли тўқималарни физик-механик ва эксплуатацион хусусиятларининг ўзаро таъсирини математик моделлаштириш, ишлаб чиқаришда хом-ашё ҳажмдорлигини камайтириш ҳамда ишлаб чиқариш жараёнини оптималлаштиришга оид илмий тадқиқотлар Шустов Й. С. (Россия), Wu. J. (Хитой), Pan N. (Хитой), Ozdamar K. (Туркия), Примаченко Б.М. (Россия), Похорова И.А. (Россия), Ratnam T. V. (Ҳиндистон), Shankaranarayana K. S. (Ҳиндистон), Jeon B. S. (Корея), Chun S. Y. (Корея), Hong S. J. (Корея), Xirosi X. (Япония), Govindarajulu, K. (Ҳиндистон) ва бошқалар томонидан ўтказилган.

Республикамизда янги турдаги тўқималар ишлаб чиқариш, тўқима хоссаларини белгиловчи асосий омиллар, мураккаб тўқималар ўрилиши асосида газламаларни лойиҳалаш бўйича тадқиқотлар А.Д.Даминов, Э.Ш.Алимбаев, П.С.Сиддиқов, Р.К.Каримов, У.Т.Абдуллаев, Б.Х.Баймуратов ва Д.Г.Алиевалар ва бошқалар томонидан бажарилган.

Юқори сифатли тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришда мамлакатимизда сочиқ буюмлари муҳим ўринга эга бўлиб, керакли хусусиятларга эга бўлган тайёр маҳсулотларни яратиш бўйича муайян тажриба ва илмий ишланмалар мавжуд. Шунга қарамай, сочиқ буюмларини ишлаб чиқаришда мавжуд хом-ашёларни ҳисобга олган ҳолда тайёр сифатли маҳсулот шакллантириш жараёнида математик моделлардан фойдаланиш

маҳсулотларнинг сирт жилосининг ўзгаришига ва тан нархининг пасайишига сабаб бўлади. Тукли тўқима матоларининг айнан мана шу хусусиятидан фойдаланиб уларни бадий безаш, математик моделларини ишлаб чиқиш ва сифатига баҳо беришнинг объектив усулини ишлаб чиқиш бўйича тадқиқотлар етарлича ўтказилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Наманган мухандислик-технология институти 2020 йилдаги илмий-тадқиқот ишлари режасининг №2МССБ 11 декабрдаги “Unique style Textile” корхонаси билан тузилган шартнома асосида ҳамда “Кўп қатламли тўқималар ишлаб чиқариш жараёнини математик моделлаштириш” мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади кўп қатламли мураккаб тўқималарнинг математик моделларини олиш орқали тўқима юза зичлиги, киришиши, нам шимиши каби хосса кўрсаткичларини башоратлашдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

тукли тўқиманинг ип хоссалари ва технологик жараёнларининг параметрларини математик моделлаштириш асосида кўп қатламли тўқималарни ишлаб чиқариш жараёнига таъсир этувчи омиллар аниқлаш;

тукли тўқима матолари ишлаб чиқаришда геометрик ўлчамларни ҳисоблаш ёрдамида таннархни аниқлаш усули ишлаб чиқиш;

янги таркибли тўқиманинг таърифловчи кўрсаткичларини назарий ва экспериментал таҳлил қилиш асосида тукли тўқима матоларининг физик-механик хоссаларига хомашё таъсирининг математик модели яратиш;

матонинг юза зичлигига мос тук хом-ашё хоссаларини, танда ва арқоқ зичлигини гидрофилликка таъсирини ҳамда иплар йўналишлари бўйича киришишини математик модели яратиш.

Тадқиқот объекти сифатида маҳаллий тўқимачилик хомашёлари, тўқув дастгоҳлари, кўп қатламли тўқима маҳсулотларини ишлаб чиқариш жараёнлари, соҳага оид замонавий информацион технологиялар ва дастурлари, буюм юмшоқлиги, физик хоссаларига таъсир этувчи омиллар олинган.

Тадқиқот предмети кўп қатламли тўқима маҳсулотларини ишлаб чиқариш жараёни, сочиқ маҳсулотлари, тандалаш, тўқув ва пахта ипли буюмларни юмшоқлигини ошириш тукли ва аниқлаш технологияси ҳисобланади.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқот жараёнида математикавий ҳисоблаш қоидалари, назарий механика қонуниятлари, статистик таҳлил усуллари, таннархни ҳисоблаш учун ипларни ўрилишдаги фаза ҳисобига қисқаришини назарий ва амалий аниқлаш усуллари, физик-механик кўрсаткичлари бўйича математик режалаштириш усуллари ҳамда мавжуд меъёрий хужжатларда белгиланган усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

кўп қатламли тўқимани юмшоқлик, гидрофиллик ва узиш кучини баҳолаш учун ипнинг чизикли зичлиги, тола таркиби ва тўқиманинг юза зичлигини ҳисобга олиб математик модел олинган;

тукли тўқимани ишлаб чиқаришда ип узунлиги ва ипларни эгилишдаги қисқариш миқдорини ҳисоблаш орқали таннархни аниқлаш математик модели ишлаб чиқилган;

кўп қатламли тўқимада 1 см^2 юзадаги тук ипларининг узунлиги ҳамда баландлигини тўқиманинг хоссалари: ҳаво ўтказувчанлиги, намликни ютиш вақти ҳамда намлик даражасини баҳолаш учун дастур яратилган;

тўқиманинг хосса кўрсаткичларини ўзаро бир бири билан боғлиқ омилларини корреляцион таҳлил қилиш асосида зичлиги, гидрофиллиги, юза зичлиги, юмшоқлиги, ипларнинг йўғонлиги ва тук баландлигини математик моделлари қурилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ип хоссалари ва технологик жараёнларининг параметрларини математик моделлаштириш асосида кўп қатламли тўқималар ишлаб чиқариш жараёнига таъсир этувчи омилларни аниқлаш орқали физик-механик ва ишлаб чиқариш хусусиятларини башорат қилиш имконияти яратилган;

тукли тўқима матоларни ишлаб чиқаришда геометрик ўлчамларини ҳисобга олиб тан нархларини аниқлаш усулини ишлаб чиқиш орқали эришиладиган иқтисодий самарадорликни ҳисоблаш ва янги моделлар учун тадқиқ этиш имкони яратилган;

тўқимани ишлаб чиқаришда маҳсулотларнинг юмшоқлик хоссасига таъсир этувчи омилларни тадқиқ этиш орқали белгиланган юмшоқликка эришиш натижалари аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги назарий тадқиқотлари натижасининг амалий синови, уларнинг мавжуд ва амал қилаётган фундаментал назарияга мантқан мувофиқ келиши, ҳисобий ишларда стандартлаштирилган усул ва воситалардан фойдаланилганлиги, олинган натижаларни реал иқтисодий самара билан ишлаб чиқаришга жорий қилиниши билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тўқимачиликда тукли тўқима мато хоссаларини ип хоссалари билан боғлиқлигининг математик моделини ҳамда ҳар бир меъзон бўйича максимал ва минимал қийматларга эришувчи объектив усулини ишлаб чиқиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти тукли тўқима матоларининг таркиби ва таркибий элементлар хусусиятларининг мато юмшоқлиги, шунингдек технологик хусусиятларига таъсирини ифодаловчи математик қонуниятлар яратилганлиги ва тажриба натижаларига мутаносиб эканлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тўқимачиликда тукли тўқима матоларини хоссаларини ип хоссалари билан боғлиқлигининг математик моделини ишлаб чиқиш ҳамда ҳар бир меъзон бўйича максимал ва минимал

қийматларга эришувчи объектив усулини ишлаб чиқиш бўйича олинган натижалар асосида:

кўп қатламли мураккаб тўқималарнинг шаклланиш жараёни Наманган вилоятидаги «Barkas Textile» МЧЖ корхонасида жорий этилган («Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмасининг 2021 йил 26 августдаги №03/14-2515-сон маълумотномаси). Натижада арқоқ ипининг технологик хоссасини меъёрлаш орқали сочиқ маҳсулотларини ишлаб чиқаришдаги энини киришиши, чиқинди ва хомашё сарфини камайтиришга эришилган;

янги турдаги сочиқ маҳсулотларини Наманган вилоятидаги «Наманган пахта текс» МЧЖ корхонасида ишлаб чиқаришга жорий этилган («Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмасининг 2021 йил 26 августдаги №03/14-2515-сон маълумотномаси). Натижада арқоқ ипини толавий таркибини ўзгартириш орқали тўқимани киришиши ва хомашё сарфини камайтиришга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари бўйича 2 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 19 та илмий ишлар чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссиясининг диссертациялар асосий илмий ишларини чоп этишга тавсия қилинган илмий нашрларда 6 та мақола нашр этилган ва 7 та дастурий таъминотга Ўзбекистон Республикаси интеллектуал мулк агентлигининг патентини олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, умумий хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 119 бетни ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, мақсади ва вазифалари, шунингдек, тадқиқот объекти ва предмети шакллантирилган, тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига мослиги, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалар баён этилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти ёритилган ҳамда амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Кўп қатламли мураккаб тўқималарнинг шаклланиш жараёнини математик моделлаштириш йўналишида олиб борилаётган тадқиқотларнинг таҳлили”** деб номланган биринчи бобида Республикамизда ва чет элда ишлаб чиқарилаётган тукли сочиқ маҳсулотларини турларини кенгайтириш, сифат кўрсаткичларини ва истеъмол хусусиятларини яхшилаш мақсадида уларнинг тузилиши, ишлаб чиқариш технологиялари, матоларнинг таркиби, уларга таъсир этувчи омилларнинг аҳамиятига оид, ҳамда замонавий компьютер технологиялари ёрдамида физик-механик ва эксплуатацион

хусусиятларининг ўзаро таъсирини математик моделлаштириш орқали сифатини баҳолашга бағишланган илмий-тадқиқот ишлари ва адабиётлар таҳлил этилган.


Тукли тўқима маҳсулотларининг турлари, ассортиментлари, уларнинг сифат кўрсаткичлари, хоссаларинг ўзаро таъсирини математик моделлаштириш технологиялари ва жиҳозлари, тўқимачилик маҳсулотларига қўйиладиган талаблар бўйича амалга оширилган илмий-тадқиқот ишлари натижалари таҳлил қилинган. Олиб борилган илмий-тадқиқод ишларини таҳлил қилиш натижасида ҳозирги кунгача газламалар ассортиментида алоҳида гуруҳ ташкил этувчи кўп қатламли тўқималарни тузилиши ва уларнинг математик моделлаштиришга тааллуқли тадқиқотлар жуда кам ўтказилган.

Таҳлиллар натижасида тадқиқоднинг мақсади ва вазифаси белгилаб олинди, жумладан, тўқув усулида тукли тўқималарнинг тузилиши ва ўзига хослигини ўрганиш, тукли тўқима тузилиши ва ишлаб чиқариш технологиясига ҳом-ашё хоссасининг таъсирини тадқиқ этиш, янги таркибли тўқиманинг таърифловчи кўрсаткичларини назарий ва экспериментал таҳлил этиш, янги таркибли тўқималарнинг аҳамиятли хоссаларини аниқлаш ва қиёсий тадқиқ этиш кўзда тутилди.

Диссертациянинг **“Кўп қатламли мураккаб тўқималарнинг тузилишини қиёсий тадқиқи”** деб номланган 2-бобида тукли тўқима матоларининг аналитик таҳлили асосида уларнинг таснифланиши, сочиқ ишлаб чиқаришда ишлатиладиган хомашё ва ишлаб чиқариш жараёнини таснифланиши, тукли сочиқ тўқималарининг физик-геометрик ва ишлаб чиқаришдаги хусусиятларини аниқлаш бўйича тадқиқотлар ўтказилди.

Тўқимачиликда тукли матолар сочиқ сифатида ҳам танилган. Ушбу матоларда жуда юқори тўқима зичлиги бор, бу энг яхши матоларда ҳар сантиметрда 200 тагача бўлиши мумкин. Тўқималарининг юқори зичлигига паст бурилиш ва қарама-қарши таранглик туфайли эришиш мумкин. Катта бурилиш кучланишлари ижобий тўқилиш механизмларини талаб қилади. Юқори тезликдаги автоматик тўқув дастгоҳлар махсус чуқур тиш симлари билан паст ва ўрта сифатли матоларни ишлаб чиқариши мумкин. Ушбу матоларни танлаш тук зичлиги бир см.да 30 дан 100 гача тўғри келишига эътибор берилади.


Тукли сочиқ маҳсулотларини хоссаларини шаклланишида асос билан бирга тук қисми муҳим ўрин тутди. Чунки ташқи кўриниш ва шакл тук ёрдамида шаклантирилса, ташқи таъсир сув шимиши учун ҳам тук асосий вазифани бажаради. Тук - бу маълум бир бурилиш учлари билан ҳосил бўлган қисми, унинг юзасида илмоқли ва бироз буралган шаклда бўлади. Асос матосини ҳосил қилиш учун асос танда ва арқоқ иплари ўзаро кесишади. Ушбу асос матоси тук учлари томонидан ҳосил қилинган илмоқларни ушлаб туради ва ҳалқа қисмини мато юзасига суриб қўйишга имкон беради. Туклар жойлашишига қараб бир томонлама (юз) ёки икки томонлама (юз ва орқа) бўлиши мумкин. 1-расмда схематик тарзда тукли сочиқ маҳсулотларининг ҳар хил турлари кўрсатилган.



(A) Бир ён тукли, (B) Иккала ён тукли, (C) Алмашувчи (алтернатив) битта ён тукли, (D) Иккала ёни тукли.


1-расм. Тукли сочиқ маҳсулотларида ҳар хил турларининг схематик диаграммаси.

Тукли тўқима матолари ва оддий тўқилган ёки трикотаж матоларнинг физик хусусиятлари деярли бир хил, фақат сочиқларда мавжуд бўлган баъзи хусусиятлар бундан мустасно. Сочикларда чегара, тукли юза, қисқа тук масофаси каби турли хил тушунчаларни аниқлаш мумкин. Одатдаги сочиқнинг схематик расмида (2-расм) бўлимлар кўрсатиб берилган.



2-расм. Сочикни схематик тасвирлаш.


Тукли тўқима матоларининг кенг таснифи мавжуд, улар 3-расмда келтирилган. Сочикларни одатда уларнинг вазни, ишлаб чиқариш усуллари, якуний ишлов бериш жараёнлари, сиртдаги тук ҳолати, ишлатилиш жойи ва ўлчамлари бўйича таснифлаш мумкин.



3-расм. Сочикларнинг таснифи

Юқоридаги таснифга кўра, энг кўп ишлаб чиқариладиган сочиқлар тўқиш усули бўйича 3 ёки 4 та тўқув тизимида ва икки томонлама тук билан ишлаб чиқарилган сочиқлар ҳисобланади.

Тукли тўқима матолари асос тўқима ва асос тўқималарига бириктирилган тук илмоқларидан иборат. Сочик тўқиш тизимлари бир қатор тук ҳосил қилиш учун ташланиши керак бўлган тўқувчилар сонига кўра 2-3-4-5-6 ва 7 танда ёрдамида бириктириладиган деб таснифланади ва 3 ҳамда 4 тўқув тизимлари энг кенг тарқалган усул ҳисобланади. 4-тўқув гуруҳли тукни шакллантириш техникаси билан янада сифатли сочиқлар ишлаб чиқарилиши мумкин бўлсада, иқтисодий хусусиятларига кўра 3-тўқув сочиқларига кўпроқ афзаллик берилади. 4-расмда 3 та тўқув тизими билан тўқилган одатдаги тукли тўқима мотани кесими кўрсатилган.



а: замин танда ипи ва ўрилиши, b: тук ипи ва қўтарилиши, с: арқоқ ипи, d: тўқув тиғи (тароқ), e: тўқув гуруҳи.

4-расм. Учта арқоқ ипли бириктиришдаги сочиқ кесими

Тукли тўқима матоларни тўқишда чегара шаклланиши тук майдонига нисбатан жуда катта тўқув зичлиги билан амалга оширилади. Шунинг учун,

тўқув машинасининг тезлиги милк худудига қараб ўрнатилади, бу эса тук қисмининг бўлиши мумкин бўлганидан пастроқ тезликда тўқилишига олиб келади ва шунинг учун ишлаб чиқариш унумдорлиги йўқолади. Ушбу муаммони тўқув машинасининг асосий двигателида тезликни бошқариш блоки ёрдамида ҳал қилиш мумкин. Ушбу ускуна туфайли чегара ва тук қисмларини тўқиш пайтида дастгоҳ турли хил тезликда ишлайди.


Тадқиқот доирасида, биринчидан, намуналар сифатида ишлаб чиқарилган сочиқларнинг физик хусусиятлари ва танланган ишлов бериш хусусиятлари стандарт синов усуллари билан аниқланди. Ушбу хусусиятларни ўлчашда ишлатиладиган синов усуллари ва уларнинг стандарт рақамлари билан биргаликда 1-жадвалда келтирилган. Жадвалда тест усуллари ГОСТ, ASTM ва ISO стандартларида берилган. Тадқиқотда кўриб чиқилган физик-геометрик хусусиятлар: тукнинг баландлиги (тук-асос нисбати), юза зичлик, ипларнинг сони, юмшоқлик, гидрофиллик ва арқоқ йўналиши бўйича киришишидир.

1-жадвал.

Синов хусусиятлари ва тестларнинг стандарт рақамлари.

Синов хусусиятлари	Халқаро стандартлар рақамлари
Тук баландлиги	ASTM D 5433-00
Юза зичлиги	ГОСТ 29104.1-91 (ГОСТ 3811-72, ASTM D 3776-96)
Арқоқ ва танда бўйича зичлиги	ГОСТ 3812-72 (ASTM D 3775-03)
Танда ва арқоқ ипларини йўғонлигини аниқлаш	ГОСТ 6611.1-73 (ASTM D 1059-01)
Юмшоқлик даражаси	ASTM D 4032-94
Танда ва арқоқ ипини тўқимада қисқариши	TS 254
Гидрофиллик даражаси	ГОСТ 3816-81 (ГОСТ 12088-77, TS 866)
Узилиш кучи	ГОСТ 3813-72 (EN ISO 13934-1)

Сочиқлар тукли ва туксиз қисмлардан иборат шаклида тўқилган 2 та қисқа ва 2 та узун қирралардан иборат бўлиб, сочиқ ўлчамларини аниқлашда ушбу ҳолат ҳисобга олинган. Биринчидан, намуналарнинг тукли қисмларининг ўлчамлари ўлчанди, сўнгра кенглик ва узунлик қийматлари қирраларнинг киришиши билан аниқланди ва натижалар олинган. 5-расмда тукли сочиқнинг асосий ўлчамлари схематик тарзда кўрсатилган. Расмдан кўриниб турибдики, сочиқлар тук майдончаси бўлган 2 қисқа ва 2 узун қирралардан иборат. Ушбу ҳолат сочиқ ўлчамларини аниқлашда ҳисобга олинган, фақат тукли жойлари, кенглик ва узунлик қийматлари, шу жумладан намуналарнинг чеккалари алоҳида ўлчанган.



- a_1 : тук майдонининг кенглиги (см)
 b_1 : тук майдонининг узунлиги (см)
 a_2 : Тукли майдони + чекка кенглиги (см)
 b_2 : Тукли майдони + кирраларнинг узунлиги (см)

5-расм. Одатий сочиқнинг схематик тасвири

Намуна шаклида ишлаб чиқарилган ишлов бериш жараёнидан сўнг барча намуналарнинг физик хусусиятлари учун қийматлар аниқланди. Аниқланган физик катталиклардан ташқари, сочиқларнинг тукли ва туксиз жойларида арқоқ зичлиги қийматлари ҳам ушбу жадвалда келтирилган, ҳамда 2-жадвалда физик хоссаларини тарқатиш диапазонлари, бошқача қилиб айтганда, сочиқ намуналари учун аниқланган физик-геометрик хусусият қийматларининг максимал ва минимал қийматлари умумлаштирилган.

2-жадвал.

Намуналарнинг физик хусусиятларининг тарқалиш диапазонлари.

Физик хусусиятлари	Дисперсия оралиғи
Юза зичлиги ($\text{гр}/\text{м}^2$)	389,15-979,96
Тук баландлиги (мм)	5,2-11,0
Арқоқ ип бўйича зичлиги (ип/10 см)	160-185
Танда ип бўйича зичлик (ип/10 см)	245-320
Арқоқ иплари чизиқли зичлиги (Ne)	10,6-18,2
Танда ипларнинг чизиқли зичлиги (Ne)	16,2/2-22,2/2
Тук ипларининг чизиқли зичлиги (Ne)	6,7-19,8 (11 та намунадаги тук иплари учун икки қаватли иплардан фойдаланилган)
Танда ипини эгилишдаги қисқариши (%)	10-23,30
Арқоқ ипини эгилишдаги қисқариши (%)	7,2-20,35

Тўқилган сочиқлардан танланган намуналарнинг физик хусусиятлари ва танланган ишлаш ўлчамлари экспериментал равишда стандартлаштирилган синов усуллари асосида аниқланди. Намуналарнинг синовдан ўтган жисмоний ва ишлаш кўрсаткичлари ва баъзи танланган умумий ишлаб чиқариш параметрлари 6-расмда умумлаштирилган. Ушбу ишлаб чиқариш параметрлари ишлаб чиқариш корхоналари ва истемолчилар талабидан олинган.

Тадқиқотда харажатлар ва ишлаш хусусиятларини максимал даражага кўтариш ва минималлаштиришга қаратилган оптималлаштириш моделларини яратиш мақсад қилинган. Ушбу моделларни яратиш учун, биринчи навбатда, тукли матоларнинг танланган физик ва ишлаш хусусиятларини статистик таҳлил

ёрдамида синов ишлаб чиқаришларига эҳтиёж сезмасдан башорат қилишга имкон берадиган турли хил тенгламалар олишга қаратилган.



6-расм. Намунавий тукли сочиқ хусусиятлари

Диссертациянинг «Тукли тўқима тўқиш харажатларини ва физик-механик кўрсаткичларини моделлаштириш» деб номланган учинчи бобида тукли тўқима буюмларини ишлаб чиқариш харажатлари ва тукли тўқима ишлаб чиқариш хомашё нархини ҳисоблаш, тукли сочиқбоп матонинг умумий ишлаб чиқариш харажатларини ҳисоблаш, тўқимада ип қисқаришини ҳисоблаш

ёрдамида сарф харажатларни ҳисоблаш модели, тук баландлиги, ипларнинг хоссаларини тукли тўқима маҳсулотларининг гидрофиллик ва узилиш кучига таъсирини математик моделлаштириш, тукли тўқима буюмларини физик хоссаларини аниқлашнинг математик моделини таҳлили ўрганилди. Хом ашёнинг қиймати ($T_{\text{хом-ашё}}$) - бу 1 м^2 тукли тўқима матони ишлаб чиқариш учун зарур бўлган ипларнинг умумий қиймати ва бу ифода сочиқ ишлаб чиқаришда тук, танда ва арқоқ ипларини ўз ичига олади. Ҳар бир иплар гуруҳининг нархи иплар тизимидан зарур бўлган ипнинг оғирлиги ва унинг бирлик нархи ёрдамида аниқланади. Керакли миқдордаги ипни ҳисоблаш учун аввал ипнинг умумий узунлигини аниқлаш керак. Арқоқ, танда ва тук иплари учун харажатларни ҳисоблаш усули қуйида келтирилган.

Тукли сочиқбоп матонинг бирлигини (1 м^2) тўқиш учун зарур бўлган заминга ишлов берадиган ипнинг нархини аниқлаш учун аввал заминнинг умумий узунлиги ва заминнинг оғирлигини аниқлаш керак, сўнгра харажатларни ҳисоблаш мумкин. Керакли ипнинг оғирлигини ипнинг нархи билан кўпайтириш зарур.

Ишлаб чиқариш таннархи -умумий бирлик 1 м^2 хом тукли тўқиманинг нархини ҳисоблаш учун қуйидаги умумий қиймат ифодаси олинди.

$$T_{\text{умум}} = T_{\text{хом-ашё}} + \frac{X_{\text{и/ч}}}{N}$$

$$T_{\text{умум}} = [T_{\text{т}} + T_{\text{тук}} + T_{\text{а}}] + \frac{[A_{\text{нарх}} + I_{\text{нарх}} + E_{\text{нарх}}]}{N}$$

$$T_{\text{умум}} = \left[\left[\frac{S_{\text{тўқ}}/10}{1.693 \cdot N_{e_{\text{т}}}} (100 - \tau) \frac{T_{\text{ип,т}}}{1000} \right] + \left[\frac{50 \cdot (S_{\text{тўқ}}/10) \cdot X_{\text{тук}}}{1.693 \cdot N_{e_{\text{тук}}}} \frac{T_{\text{ип,тук}}}{1000} \right] + \left[\frac{S_{\text{а}}(100 - a)}{1.693 \cdot N_{e_{\text{а}}}} \frac{T_{\text{ип,а}}}{1000} \right] \right] +$$

$$\frac{\left[\frac{T_{\text{дастгох}}}{Y_{\text{ййил}} \cdot 300 \cdot 22,5} + \frac{I \cdot J}{25 \cdot 7,5} + [Q_{\text{д}} + Q_{\text{ё}} + Q_{\text{к}}] \cdot T_{\text{э}} \right]}{\frac{120 \cdot n \cdot V \cdot E_{\text{т}}}{100 \cdot S_{\text{а}}}} \quad [3.22]$$

3.22 тенгламада келтирилган ифода диссертация доирасида режалаштирилган тукли тўқима матоларда ишлаб чиқариш таннархини минималлаштиришга қаратилган оптималлаштириш моделининг объектив вазифаси сифатида тавсия этилди.

Тадқиқот доирасида тукли тўқима матоларининг танланган физик хусусиятлари ва фойдаланишдаги хусусиятларини прогноз қилиш учун регрессия тенгламаларини яратиш ва ишлаб чиқаришни оптималлаштириш моделида чекловлар сифатида фойдаланиш мақсад қилинган. Шу мақсадда SSPS Staticis тўплам дастуридан фойдаланилди ва тажриба асосида тук иплари чизиқли зичлиги (NTU), танда ипининг чизиқли зичлиги (NT), арқоқ иплар чизиқли зичлиги (NA), юза зичлиги (оғирлиги) (M), арқоқ бўйича зичлиги (SA), танда ипини зичлиги (ST), тук баландлиги (BT), арқоқ ипини қисқариши (KA), танда ипини қисқариши (KT), юмшоқлик (Y), гидрофиллик (G), арқоқ ипи йўналишида узилиш кучи (PA) ва танда ипи йўналиши бўйича узилиш кучи (PT) қийматлар SSPS Staticis маълумотлар саҳифасига кўрсатилганидек киритилган.

Дастурга киритилган маълумотлардан фойдаланиб ҳар бир кўрсаткич бўйича регрессия тенгламаларини аниқлаймиз.

Тукли тўқимани оғирлигини аниқлаш:

$$M = -25,476 * NTU + 10,407 * NT - 5,991 * NA + 3,464 * SA + 8,545 * ST + 46,1 * BT$$
$$R = 1,000 \quad R2 = 0,999 \quad R2d = 0,999$$

Юқоридаги тенгламадан кўринадикки, агар бошқа барча омиллар ўзгарувчилари доимий равишда сақланиб қолса, NTU-тук ипининг чизиқли зичлигида 1 бирлик кўпайиши маҳсулот юза зичлигида 25,476 бирлик камайишига олиб келади.

Тук баландлигини аниқлаш

$$BT = -4,587 + 0,481 * NTU + 0,008783 * M$$

Тўқиманинг танда ипи бўйича зичлигини аниқлаш:

$$ST = 1,047 * NTU + 0,990 * NT + 0,688 * NA + 0,02806 * M$$

Тўқиманинг арқоқ ипи бўйича зичлигини аниқлаш

$$SA = 5,821797 * NA - 0,217071 * NA^2$$
$$R = 0,998 \quad R2 = 0,996 \quad R2d = 0,996$$

$$SA = 0,188568 * M - 0,000337 * M^2 + 2,122 * 10^{-7} * M^3$$
$$R = 0,998 \quad R2 = 0,997 \quad R2d = 0,997$$

Арқоқ ипининг эгилишдаги қисқариш миқдорини аниқлаш

$$KA = -0,00817 * M + 0,0864 * ST$$
$$R = 0,997 \quad R2 = 0,995 \quad R2d = 0,995$$

$$KA = 3,781208 * NT - 0,192877 * NT^2$$
$$R = 0,993 \quad R2 = 0,986 \quad R2d = 0,985$$

$$KA = 2,400503 * NA - 0,076133 * NA^2$$
$$R = 0,993 \quad R2 = 0,987 \quad R2d = 0,986$$

Танда ипининг эгилишдаги қисқариш миқдорини аниқлаш

$$KT = 0,386 * AS + 0,748 * NT - 0,729 * NA$$
$$R = 0,991 \quad R2 = 0,981 \quad R2d = 0,980$$

Арқоқ ипининг чизиқли зичлигини аниқлаш

$$NA = -0,371 * NTU + 1,054 * NT - 0,01377 * M + 0,325 * ST$$
$$R = 0,993 \quad R2 = 0,985 \quad R2d = 0,984$$

Арқоқ ипи йўналиши бўйича узилиш кучи аниқлаш

$$PA = 4,8614 * SA - 30,569 * NA$$
$$R = 0,993 \quad R2 = 0,982 \quad R2d = 0,981$$

Танда ипи йўналиши бўйича узилиш кучи аниқлаш

$$PT=17,246*NT+3,752*ST$$

$$R=0,993 \quad R_2=0,978 \quad R_{2d}=0,980$$

Юмшоқликни аниқлаш

$$Y=-0,530*NT+0,01856*M-0,256*BT$$

$$R=0,995 \quad R_2=0,990 \quad R_{2d}=0,989$$

Гигроскопикликни аниқлаш

$$G=-6,957*NTU-0,451*M+6,954*SA+3,259*ST$$

$$R=0,925 \quad R_2=0,855 \quad R_{2d}=0,834$$

Дастур ёрдамида олинган математик моделлардан бир ва кўп мақсадли модел сифатида фойдаланиш мумкин. Бунда асосан кўп мақсадли моделларда бир вақтда ўзгармасларни белгилаб олинади ва бир нечта модел бир вақтда фойдаланилади, ҳамда дастур ёрдамида тезкор таҳлил қилиш мумкин. Тадқиқотда жами 16 та чизикли бўлмаган оптималлаштириш моделлари яратилган, улардан 5 таси битта мақсадли ва қолгани кўп мақсадли бўлиб, асосий модел сифатида маҳсулот таннархини ҳисоблаш модели асос қилиб олинди.


Диссертациянинг «**Тукли тўқима буюмларини физик ва геометрик хоссаларини математик моделлаштириш ва иқтисодий самарадорликни ҳисоблаш**» деб номланган тўртинчи бобида тукли тўқималарни физик-механик кўрсаткичларини математик моделлаштириш, физик хоссаларини математик моделлаштириш учун мато ишлаб чиқаришда ўзгарувчан омиллар ва уларнинг сатҳларини аниқлаш ва тукли тўқима математик моделининг регрессия коэффициентларининг аҳамиятлилиги, тукли тўқима буюмларини ишлаб чиқариш жараёнининг иқтисодий самарадорлигини ҳисоблаш орқали илмий ишнинг иқтисодий самарадорлиги келтирилган.

Тукли тўқима ишлаб чиқариш жараёнининг ҳар бир босқичида эни бўйича узунлиги ўзгариб боради. Ишлаб чиқариш жараёнида тиғ ва тўқилган матони энининг ўзгариши тўқув ипларини жойлашиши ҳисобига амалга ошиб, бунда иккита тизим -тук ва танда иплари бир йўналишда жойлашганлиги, арқоқ ипининг чизикли зичлиги одатда кичик ишлатилиши натижасида тўқимадаги иплар ўрилишининг I ёки II фазасига жойлашади. Тарашлаш ёки бўяш жараёнида тўқималар арқоқ ипи бўйича текисланади ва ўртадаги қирқиш учун ажратилган тандасиз қисмга иплар сурилади.

Тукли тўқимани ишлаб чиқаришда бу оралиқ қирқиш танда ипларисиз қисмларни ёпилиши қирқиш жараёнида ип сарфини ортиши, тўқимани тайёр энини стандарт меъёрлардан оғишига сабаб бўлади. Бу муаммони камайтириш мақсадида тўқимада арқоқ ипи учун пахта ипи ўрнига пахта ва полиэстер (65/35) тола арашмасидан тайёрланган Ne16/1 йўғонликдаги ипдан фойдаланилди.



а) Тўқув дастгоҳида



б) арашлаш ёки бўяш дастгоҳидан кейин



с) Намлаб-иситиб ишлов бериш



д) Қирқиш жихозида

7-расм. Тукли тўқима ишлаб чиқариш жараёнида кесиш жойининг ўзгариши.

Намуна сифатида 50X90 см ўлчамдаги сидирға бўялган гулсиз тукли тўқима танлаб олинди. Бу арқоқ ипи аралаш толали тукли тўқимада эни бўйича киришиши юқорида келтирилган, мавжуд тўқимада толалар таркибини ўзгариши тукли тўқимани эни бўйича киришишини 2-3 % камайтириб, тўқимани тигдан ўтказишдаги тандасиз қирқиш қисмига 15 мм ташлаш имконини беради. Толали таркиби 3-4,5 % (фоиз) полиэстер бўлган тукли тўқимани физик хоссалари ҳам талабга жавоб бериши керак. Шунинг учун тўқилган тўқиманинг физик хоссалари аниқланди.

Асосан тукли сочикда танда учун пахта толали № 20/2 (34.5/2) чизикли зичликдаги ип ва арқоқ учун пахта толали № 16/1 (27/1) чизикли зичликдаги ипдан, ҳамда тук учун штапел пахта толали № 21/2 иплардан фойдаланиб келинмоқда. Биз тажрибаларда тук иплари учун полиэстер ипларидан фойдаландик ва унинг маҳсулот хоссаларига таъсирини ўргандик.

Математик моделлаштиришда маҳсулот хом-ашёси ва технологик жараёнларнинг параметрлари кирувчи хосса сифатида қабул қилинади. Тукли сочикларни ҳаво ўтказувчанлик, сув буғининг ўтказувчанлик ва суюқлик узатиш тезлик хоссаларини белгиловчи муҳим омил сифатида қуйидагилар белгиланди:

X_1 -тук ипларининг толали таркиби. Тук ипи таркибидаги пахта ва полиэстер толаларини улушини ўзгариши, %;

X_2 -буюм юза бирлигидаги тук учун фойдаланилган ипининг узунлиги. Буюмда тук иплари сони ва баландликлари бир биридан фарқ қилади, шунинг учун юза бирлигидаги тук ипларини узунликларини йиғиндисидан фойдаланамиз, см;

X_3 -якуний ишлов бериш. Якуний ишлов бериш асосан ҳалқа шаклидаги тукларни кесиш ҳисобланиб, унда тукларни кесилган улушини ўзгариши 3-омил сифатида қабул қилинди;

Хом ашё таркиби, ипнинг хоссаларини ва ишлов беришини назарда тутиб чиқувчи параметрлар сифатида тукли сочиқ маҳсулотларининг хоссаларидан куйидагилар белгиланди:

Y_1 -Ҳавонинг ўтказувчанлиги ($\text{м}^3/\text{мм} \cdot \text{с}$);

Y_2 -Сув буғининг ўтказувчанлиги (21 соатдаги $\text{г}/\text{м}^2$);

Y_3 -Танда ипи йўналишида сувни ютиш тезлиги, капиллярлиги ($\text{мм}/60 \text{ с}$);

Y_4 - Арқоқ ипи йўналишида сувни ютиш тезлиги, капиллярлиги ($\text{мм}/60 \text{ с}$);

Омилларнинг вариация чегараларини аниқлашда дастлабки тадқиқотлар ва назарий изланишлар ҳамда корхоналар тажрибалари асосида ҳар бир омилнинг асосий даражаси ва вариация оралиғи танланди. Тажрибалар натижалардан келиб чиқиб, иккинчи даражали регрессион кўп омилли математик моделни курилди.

$$Y_1 = 365 - 24,12x_1 - 19,75x_2 - 442,75x_3 + 21,75x_1x_3 + 11,5x_2x_3 + 60,39x_1^2 + 71,76x_2^2 + 82,89x_3^2$$


$$Y_2 = 486,67 - 282,6x_1 + 30,8x_2 - 466,75x_3 - 19,5x_1x_2 + 264,75x_1x_3 - 37x_2x_3 + 201,69x_1^2 + 159,57x_2^2 + 159,44x_3^2$$

$$Y_3 = 33,7 - 5,3x_1 + 29,27x_3 + 6,28x_1x_3$$


$$Y_4 = 32,9 - 7,5x_1 + 22,17x_3 + 8,43x_1x_3$$

Тадқиқот учун чиқиш параметрининг хусусиятларини аниқлаш учун тузилган тенглама уч ўлчовли бўлгани учун, таҳлилдаги кириш омилларидан бири $X_i = 0$ (марказий ҳолат) деб қабул қилинади ва биз икки ўлчовли графикни моделларини 3 та тенгламага ўзгартириш йўли билан тузамиз.


Тукли тўқиманинг ҳавонинг ўтказувчанлиги



8 (а)-расм



8(б)-расм




8-расм. Y_1 -ҳаво ўтказувчанлиги хоссасини кировчи омил қийматларида ўзгариши


7 (с)-расм

Y_1 -ҳаво ўтказувчанлиги ($\text{м}^3/\text{мм}\cdot\text{с}$)-юқоридаги графикдан кўришиб турибдики, ҳаво ўтказувчанлиги X_3 хусусиятининг энг юқори қийматида натижани яхши бўлганини кўрсатади, шунингдек X_1 омилни энг кам қийматларида, яъни пахта толали тўқимада ҳаво ўтказувчанлигини яхшиланганини кўришимиз мумкин. X_2 омил -тук узунлигини чиқувчи параметр ҳаво ўтказувчанлик хоссасининг қийматига таъсирини камлиги аниқланди.


$$Y_2 = 486,67 - 282,6x_1 + 30,8x_2 - 466,75x_3 - 19,5x_1x_2 + 264,75x_1x_3 - 37x_2x_3 + 201,69x_1^2 + 159,57x_2^2 + 159,44x_3^2$$



9 (а)-расм



9 (б)-расм





9 (с)-расм

9-расм. Сув буғининг ўтказувчанлик хоссасини кировчи омил қийматларида ўзгариши.

Сув буғининг ўтказувчанлигини тавсифловчи графикдан биз X_1 натижалари энг паст қийматда яхши натижа кўрсатаётганини, ҳамда X_2 омилнинг 9 (б)-

расмда қийматлар диапазонида ўзгариш бўлмагани ва 9 (с)-расмда энг кам қийматида чиқувчи параметрни яхши қийматга эришганлигини кўришимиз мумкин.



10-расм. Y_3 -Танда ипи йўналишида сувни ютиш тезлиги, капиллярлиги (мм/60 с).

11-расм. Y_4 -Арқоқ ипи йўналишида сувни ютиш тезлиги, капиллярлиги (мм/60 с).

10-расмда танда ипи йўналишида сувни ютиш тезлиги, капиллярлиги ва 11-расмда арқоқ ипи йўналишида сувни ютиш тезлиги, капиллярлиги ўзгариш ораликлари таҳлили кўрсатилган.

Кўп қатламли тўқималар ишлаб чиқариш жараёнида R9500 3600 ИТЕМА дастгоҳида ҳозирги кунда эни бўйича жами 3600 сантиметр узунликда 6 қатор сочиқ ишлаб чиқарилади. Шу 6 қатордаги сочиқларнинг умумий 7 қатор қирқиш ҳудудлари мавжуд. Булардан 3 та (1,4,7) қаторлар дастгоҳнинг ўзида бажарилади ва шу қаторларда ортиқча ип сарфи мавжуд эмас. Лекин қолган 4 та (2,3,5,6) қаторларда сочиқларни кесиш жараёнида тўқиманинг ўзидан ип сарфи кузатилади. Бу сочиқларни ажратиш учун кесиш жараёнида 4-12 донга танда иплари чиқиндига чиқиб кетмоқда. Мавжуд ва тавсия қилинаётган янги тўқимада эни бўйича тўқиш жараёнидаги қисқариш камайиши ва кесиш жараёнидаги ипларни чиқиндига чиқиши камайтирилди, сарфланадиган ип миқдори ва иқтисодий самарадорлиги аниқланди.

Янги таклиф килинган вариантда сочиқ маҳсулотлари ишлаб чиқарилганда қирқиш ва кесиш жараёнларида тўқима зичлигини ўзгартириш орқали 2% ипнинг чиқиндига чиқиши олди олинади. Бундан маълумки иқтисодий самарадорлик ўз навбатида 2% га мос равишда ошади.

Бугунги кунда Республикамиз Президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан ҳар бир ишлаб чиқариш корхоналари олдига қўйилаётган вазифа, яъни ишлаб чиқариш харажатларини ва маҳсулот таннархини камайтириш масалалари олиб борилган тадқиқотлар натижасида бажаришга эришилади.

УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР

1. Сочик тўқималарини ўрилишини қиёсий таҳлили асосида янги таркибли мато ишлаб чиқарилди;

2. Янги таркибли тўқиманинг таърифловчи кўрсаткичларини назарий ва экспериментал таҳлил этиш орқали янги таркибли тўқималарнинг аҳамиятли хоссаларини аниқланди ва қиёсий тадқиқ этилди;

3. Тукли сочик маҳсулотларини моделлаштириш хоссаларини белгилаш ва унга бўлган талабларни шакллантириш учун ишлаб чиқариш усуллари ва физик-механик хоссаларига қараб класификацияси тузилди;

4. Ўтказилган тажрибалар натижасида сочиклардан танланган намуналарнинг физик хусусиятлари ва танланган ишлаш ўлчамлари экспериментал равишда стандарт синов усуллари асосида аниқланди.

5. Тадқиқотнинг биринчи босқичида турли хил физик хусусиятларга эга кўплаб сочиклар ишлаб чиқарилди ва улардан 47 таси экспериментал тадқиқотда намуна сифатида фойдаланиш учун танланди, ҳамда ҳар бир намуна хоссалари аниқланиб, математик моделнинг кирувчи ва чиқувчи омиллари сифатида таҳлил қилинди.

6. Ҳар бир хусусият учун экспериментал равишда аниқланган қийматлар алоҳида маълумотлар гуруҳлари сифатида текширилди ва IBM SPSS Statistic дастури ёрдамида статистик тестлар ўтказилди. Тадқиқотнинг асосий мақсади регрессия тенгламаларини яратилди ва бу жараён параметрли моделлар ёрдамида амалга оширилиши кўрсатиб берилди.

7. Газлама юза зичлигига танда ҳамда арқоқ ипларининг йўғонлиги, тук баландлиги таъсирини тадқиқ қилинди, мато юза зичлигига мос тук хомашё хоссаларини ҳисоблаш модели ишлаб чиқилди;

8. Янги таркибли тўқиманинг таърифловчи кўрсаткичларини назарий ва экспериментал таҳлил асосида тукли тўқима матоларининг физик-механик хоссаларига хомашё таъсирининг математик модели яратилган ҳамда берилган кўрсаткич бўйича меъёрлар аниқланган. Танда ва арқоқ зичлигини гидрофилликка таъсири ва иплар йўналишлари бўйича киришишини аниқлаш моделлари қурилган;

9. Тукли тўқиманинг таърифловчи кўрсаткичлари танда ва арқоқ ипи йўналишидаги узилиш кучи, юмшоқлиги ва ишлаш кўрсаткичларини аниқлаш математик модели қурилди;

10. Ўтказилган тажрибалар натижаларидан фойдаланиб тадқиқотда жами 16 та чизикли бўлмаган оптималлаштириш моделлари яратилган, улардан 5 таси битта мақсадли ва қолган кўп мақсадли бўлиб, асосий модел сифатида маҳсулот таннархини ҳисоблаш модели асос қилиб олинди;

11. Тукли тўқимани сувни ўзига қабул қилиши ва гигроскопиклик кўрсаткичини тўқимани геометрик ва хомашё хоссаларига боғлиқлиги таҳлил қилиниб математик модели қурилди ва ишлаб чиқаришга тавсия қилинди. Биз таҳлил қилган 15 та ҳолат бўйича тажрибалар натижаларидан фойдаланган ҳолда моделлар яратилган. Сочик ишлаб чиқаришда аралаш толали иплардан чекланган ҳолда фойдаланиш имкони мавжуд бўлиб, тез-тез ювиладиган

меҳмонхоналар сочиқларида полиэстер ва пахта аралашмаси замин танда ва тук учун тўқувда фойдаланилди. Шундай қилиб, сочиқларнинг тез-тез ювилишига чидамли бўлиш хусусияти яхшиланиши таъминланади. Бундан ташқари, улар ўзларининг оғирликларидан 5-7 баробаргача сувни ўзлаштира олишлари сабабли сочиқ ишлаб чиқаришда полиэстер ва пахта тола аралашмали иплардан ишлатилиш тавсия этилди.

12. Тукли тўқимани эни бўйича қисқариши ва ип сарфини камайтириш мақсадида таклиф этилган тўқимани арқоқ ипи учун пахта ипи ўрнига пахта ва полиэстер (65/35) тола арашмасидан тайёрланган №15/1 йўғонликдаги ипдан фойдаланилган маҳсулот ишлаб чиқарилди, ҳамда унинг физик хоссалари аниқланиб таҳлил қилинди. Янги таклиф этилган вариантдаги хомашё қўлланилганда тўқимани эни бўйича ишлаб чиқариш жараёнидаги қисқариши 3-4 % га, ип сарфини 2 % га камайтиришга ва тўқув дастгоҳини энидан рационал фойдаланиш имконини беради.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
PhD.03/30.12.2019.Т.66.01 ПРИ НАМАНГАНСКОМ ИНЖЕНЕРНО-
ТЕХНОЛОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**

НАМАНГАНСКИЙ ИНЖЕНЕРНО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ

КОСИМОВ АХТАМ АКРАМОВИЧ

**МАТЕМАТИЧЕСКОЕ МОДЕЛИРОВАНИЕ ПРОЦЕССА
ФОРМИРОВАНИЯ КОМПЛЕКСНОЙ МНОГОСЛОЙНОЙ ТКАНИ**

**05.06.02 - Технология текстильных материалов
и первичная обработка сырья**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Наманган – 2021

Тема диссертации доктора философии (Doctor of Philosophy) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за B2019.2.PhD/T1172

Диссертация выполнена в Наманганском инженерно-технологическом институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.nammti.uz) и на Информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель: Абдуллаев Улугбек Туланбоевич
Кандидат технических наук, доцент

Официальные оппоненты: Маматов Алишер Зунунович
доктор технических наук, профессор

Эркинов Зокир Эркинбой угли
Кандидат технических наук, доцент

Ведущая организация: Узбекский научно-исследовательский институт натуральных волокон


Защита диссертации состоится «08» января 2022 года в 9⁰⁰ часов на заседании Научного совета PhD 03/30.12.2019.T.66.01 при Наманганском инженерно-технологическом институте (Адрес: 160115., г. Наманган, ул. Касансайская-7, Административное здание Наманганского инженерно-технологического института, 1й-этаж, малый зал совещаний, тел: (69) 228-76-68, факс: (69) 228- 76-75.e-mail: niei_info@edu.uz).


С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Наманганского инженерно-технологического института (зарегистрирована за № 434). Адрес: 160115., г. Наманган, ул. Касансайская-7, тел. (69) 228-76-68.


Автореферат диссертации разослан «27» декабря 2021 года.

(протокол реестра № 57 от «29» декабря 2021 года).




Р.М.Муродов
Член совета по присуждению
ученой степени, д.т.н., профессор


Х.Т.Бобожанов
Ученый секретарь научного совета по присуждению
ученой степени, д.т.н., доцент


К.М.Холиков
Председатель научного семинара при научном совете
по присуждению ученой степени, д.т.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Германия, Китай, Индия, Республика Корея, США, Турция и Узбекистан являются ведущими странами в мировой текстильной промышленности по производству полотенец. Крупнейшие текстильные рынки: в Италии, Нидерландах, Испании и Соединенном Королевстве импорт текстиля составил 72%, увеличиваясь на 5,8% в год, а трикотаж остается крупнейшим товарным сегментом в регионе¹, исходя из этого требуется увеличение объема производства готовой продукции в текстильной промышленности, разработки технологий и внедрение их на практике для производства новых ассортиментов трикотажных изделий. В связи с этим актуальное значение имеют вопросы полноценного изучения технологических возможностей ткацких станков, внедрения новых технологий на текстильных предприятиях, эффективного использования сырья, производства качественных и конкурентоспособных готовых махровых полотенецных изделий на мировом рынке.

В процессе развития текстильной промышленности в мире проводятся исследования по совершенствованию современных автоматизированных высокопроизводительных методов и технологий производства качественных ворсовых тканей, созданию новых видов и изменению ассортимента продукции в зависимости от спроса и предложения на потребительском рынке. В связи с этим особое внимание уделяется структурам, обеспечивающим желаемые свойства ворсовых тканей, развитию методов и средств их производства, созданию новых, компактных и ресурсосберегающих технологий и дальнейшему повышению потребительских свойств текстильных изделий, развитию технологий производства высокопрочных изделий.

В Республике принимаются комплексные меры по организации и развитию производства новых видов многослойных тканей, расширению использования местного сырья, а также по увеличению экспортного потенциала местных производителей и достигаются определенные результаты. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 годы, в том числе «... ускоренное развитие высокотехнологичных обрабатывающих производств, в первую очередь производства готовой продукции с высокой добавленной стоимостью на основе глубокой переработки местного сырья ...»² определены важные задачи. В реализации этой задачи, в том числе в производстве новых видов с необходимыми технологическими и конструктивными параметрами, качественных и недорогих готовых полотенецных изделий, важную роль играет создание технически и технологически модернизированных станков.

Данное диссертационное исследование в определенной степени способствует выполнению задач, поставленных в Указе Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года за номером УП-4947 «О стратегии дальнейшего развития Республики Узбекистан», 14 декабря 2017 года «О мерах по ускоренному развитию текстильной и швейно-трикотажной промышленности» №УП-5285, постановлении Президента Республики

Узбекистан от 12 февраля 2019 года «О мерах по дальнейшему углублению реформирования текстильной и швейной промышленности и расширению ее экспортного потенциала» №ПП-4186 а также, изложенных в других нормативных документах, касающихся деятельности текстильной промышленности, принятых по реализации программ расширения и поддержки развития отрасли.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и техники в Республике. Настоящее исследование выполнено в рамках приоритетных направлений развития науки и техники республики П. «Энергетика, энергия и энергосбережение».

Степень изученности проблемы. За рубежом ряд ученых, как Мелюшкин К.В. (Россия), Frontczak I.W. (Польша), Snycerski M. (Польша), Cary R.T. (США), Aloba Koksai B. (Турция), Ломов С.В. (Россия), Vozgayik K. (Турция), Карташова Е.Н. (Россия), Sungshing, K. (Китай), Fredrych I. (Польша), Nyung L.M. (Китай), Matusaik M (Япония) вели исследования по созданию новых видов текстильных изделий, их художественного оформления, созданию методик объективной оценки отделки, проектированию и исследованию тканей на основе сложного плетения, основных факторов, определяющих свойства многослойных тканей.

Ряд ученых: Шустов Й.С. (Россия), Wu. J. (Китай), Pan N. (Китай), Ozdamar K. (Турция), Примаченко Б.М. (Россия), Похорова И.А. (Россия), Ratnam T. V. (Индия), Shankaranarayana K. S. (Индия), Jeon B. S. (Корея), Chun S. Y. (Корея), Hong S. J. (Корея), Xirosi X. (Япония), Govindarajulu, K. (Индия) и другие проводили научные исследования по процессу производства ворсистых тканей, математическому моделированию взаимодействия физико-механических и эксплуатационных свойств махровых тканей, по сокращению объемов сырья при производстве и оптимизации производственного процесса.

